

---

## **Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши туризм вазирлари Марғилон шаҳридаги Ҳунармандлар марказига ташриф буюришди**

Шу йилнинг 24 июнь куни Қўқон шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши туризм вазирларининг 6-ийғилишига дунёнинг Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон каби мамлакатларидан ташриф буюрган делегация аъзолари Марғилон шаҳридаги Ҳунармандлар марказида бўлиб, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари намуналари билан яқиндан танишдилар.

Меҳмонларни вилоят ҳокими Хайрулло Бозаров ҳамда ҳокимлик вакиллари қарши олдилар.

Хусусий тадбиркор Иброҳимжон Султонов ташабbusи билан давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мазкур марказнинг фойдаланишга топширилиши натижасида бу ерда 600 нафар уста фаолият бошлаган. 200 дан ортиқ турдаги атлас ва адрес тўқиши, гиламчилик, майший хизмат, тикувчилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар томонидан 2 мингга яқин хотин-қиз, ёшлар ишга жалб этилди.

Марказда ҳунармандлар томонидан олиб борилаётган атлас ва адрес тўқиши жараёнлари ва абрбанд чизуви ишлари ажуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

2021-06-23 19:53:30